



ҚЎЙПЕЧАК ЭКСТРАКТИ ВА ИБУПРОФЕН САҚЛОВЧИ ГЕЛЛАРНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ РИВОЖЛАНИШИДАГИ БАЪЗИ ПАТОГЕНЕТИК БЎҒИНЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ

Якубова Умида Бахтияровна

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Аннотация: Тадқиқ қилинаётган дори воситаларининг яллиғланиш жараёнидаги баъзи патогенетик механизмларига таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Яллиғланиш жараёнининг айрим патогенетик механизмларига ўрганилаётган маҳаллий препаратларнинг (гел шаклида) таъсирини аниқлаш муҳим. Илгари бундай тажрибалар ўтказилмаган. Шу мақсадда периферик қоннинг биокимёвий кўрсаткичларидан яллиғланиш олди (ИЛ-1β) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) интерлейкинлар миқдорини аниқлаш қўлланилди.

Калит сўзлар: интерлейкинлар, гиперемия, полиартрит, бўғимлар жароҳатланиши, яллиғланиш ринит.

Аннотация: Важно определить влияние исследуемых препаратов на некоторые патогенетические механизмы воспалительного процесса. Важно определить влияние изучаемых местных препаратов (в форме геля) на некоторые патогенетические механизмы воспалительного процесса. Подобные эксперименты ранее не проводились. С этой целью мы определяли количество провоспалительных (IL-1b) и противовоспалительных (IL-10) интерлейкинов по биохимическим показателям периферической крови.

Ключевые слова: интерлейкины, гиперемия, полиартрит, травмы суставов, воспалительный ринит.

Абстракт: It is important to determine the effect of the researched drugs on some pathogenetic mechanisms in the inflammatory process. It is important to determine the effect of the studied local drugs (in the form of a gel) on some pathogenetic mechanisms of the inflammatory process. Such experiments have not been conducted before. For this purpose, we used to determine the amount of pro-inflammatory (IL-1b) and anti-inflammatory (IL-10) interleukins from the biochemical indicators of peripheral blood.

Key words: interleukins, hyperemia, polyarthritis, joint injuries, inflammatory rhinitis.



Яллиғланишнинг муҳим патогенетик аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, биз ушбу яллиғланиш белгиларининг мазмунини ўрганиб чиқдик. Яллиғланиш жараёнининг табиатига қараб, ситокинлар яллиғланишга қарши, яллиғланиш ривожланишининг олдини олувчига бўлинганлиги сабабли, яллиғланишга олди асосий ситокинлар интерлейкин-1б (ИЛ-1б), асосий яллиғланишга қарши ситокинлар интерлейкин-10 (ИЛ-10) танланган.

Тадқиқот мақсади. Қўйпечак экстракти ва ибупрофен сақловчи гелларнинг сурункали яллиғланиш ривожланишидаги баъзи патогенетик бўғинларига таъсирини қиёсий ўрганиш.

Материал ва тадқиқот усуллари. Таққослов гуруҳи хайвонларини кузатиш шуни кўрстадики, Фрейд адьюванти индукция қилинган 7-10 кундан кейин яллиғланишнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлди. Аввал Фрейд адьюванти индукция қилинган жойларда, сўнгра ҳар иккала оёқларда шиш ва гиперемия пайдо бўлди. Касалликнинг 8-13 кунлари эса оғир полиартрит ҳамда ҳаракатнинг ўта қийинлашуви билан биргаликда “бўғим синдроми” ўзининг максимал оғирлашувига етди. Бунда “бўғим синдроми” билан касалликнинг бошланишининг тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқ эканлиги, яъни яллиғланиш жараёни қанча эрта бошланса шунчалар оғир кечиши маълум бўлди. Бўғимлар жароҳатланиши билан биргаликда каламушлар думи ҳолати ўзгаришига кўра, умуртқа пағонасининг ҳам бу жараёнга қўшилиши ҳақида фикр юритиш имконияти пайдо бўлди. Артритларнинг ривожланиши жониворлар жунинг тўкилиши, ринит ва диарея билан биргаликда кузатилади.

Индукциянинг 19-20 кунлари яллиғланиш аломатлари камайиб, тахминан 30-кунларга келиб, жараёнга қўшилган бўғимлар деформацияси юзага келади.

Қўйпечак экстрактини сақловчи гелнинг адьювант артрит кечишига профилактик таъсирини Фрейд адьюванти моделидан фойдаланилди. Тажрибаларимиздаги ушбу модел каламушлар орқа ўнг панжасига 0,1 мл адьювант Фрейдни киритишни ўз ичига олади.

Қонда интерлейкинлар ИЛ-10, ИЛ-1β, ЎНО-α ва СРО миқдори ИФА усулида Хуман Диагностисс ва Вектор-Бест (Россия) тест тўпламлари ёрдамида аниқланди. Таҳлил қилишдан олдин барча реагентлар яхшилаб аралаштирилади ва хона ҳароратига келтирилади.


Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.

Қўйпечаква ибупрофен сақловчи гелларни тўлиқ ФА билан чақирилган сурункали артритда қондаги интерлейкинлар миқдорининг ўзгаришларини



коррекциялашдаги фаоллигини қиёсий ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, яллиғланишга қарши воситаларни профилактик юборилмаган назорат гуруҳи ҳайвонларида ИЛ-1 β миқдори деярли 7 мартабага кўтарилди, шунингдек ИЛ-10 миқдорининг 9,3% га пасайиши билан бирга кечди.

Аксинча, қўйпечак экстрактини сақловчи гел қўлланилган каламушлар гуруҳида, ИЛ-1 β даражаси назорат гуруҳига нисбатан 56,2% кам бўлди. Ибупрофен қўлланилган каламушлар гуруҳида деярли бир хил таъсир кузатилди, бунда ИЛ-1 β даражаси назоратга нисбатан 63,3% га кам бўлди. Бундан кўриниб турибдики, ўрганилаётган препаратларни маҳаллий профилактик қўллаш яллиғланишга олиб келувчи интерлейкинни ИЛ-1 β юқори даражасини сезиларли камайтирди.



Шу билан бирга, ўрганилаётган воситаларни профилактик қўллашдаги таъсири ўртасидаги фарқлар сезиларсиз бўлди. Яллиғланишга қарши интерлейкин ИЛ-10 даражасини ўрганишда фарқли натижалар олинди. Шундай қилиб, назорат гуруҳини соғлом жониворлар билан солиштирганда, ушбу интерлейкин миқдори 14,1%га камайди, қўйпечак ва ибупрофен сақловчи геллар қўлланилган жониворлар гуруҳида назорат гуруҳига солиштирганда мос равишда 33,7% ва 45,3% га ошди. Шуниси диққатга сазоворки, ўрганилган геллардан фойдаланилганда каламушларда ИЛ-10 нинг миқдори ҳатто соғлом гуруҳ натижаларидан ҳам мос равишда 15,0% ва 25,0% юқори бўлди.

Шу сабабли, Адьювант Фрейд томонидан қўзғатилган сурункали яллиғланиш яллиғланиш олди таркибнинг сезиларли даражада ошиши ва



яллиғланишга қарши интерлейкинлар даражасининг бироз пасайиши билан бирга келади.

1-жадвал

Адьювант артрит моделида қўйпечак экстрактини ўз ичига олган гел ва ибупрофен гелларининг интерлейкинлар таркибига профилактик таъсирини ўрганиш.

Гуруҳлар	ИЛ-1 β , пг/мл	ИЛ-10, пг/мл
Интакт	2,06 \pm 0,18	3,32 \pm 0,29
Назорат P	15,78 \pm 1,06 <0,001	2,85 \pm 0,54 >0,05
Қўйпечак экстракти - 5% P P ₁	6,86 \pm 0,69 <0,001 <0,001	3,81 \pm 0,27 >0,05 >0,05
Ибупрофен - 5% P P ₁	5,79 \pm 0,54 <0,001 <0,001	4,14 \pm 0,25 >0,05 >0,05

Хулоса

1. Яллиғланишга қарши дори-дармонларни маҳаллий профилактика мақсадида қўллаш нафақат ўрганилаётган интерлейкиннинг пасайишига тўсқинлик қилади, балки унинг даражасини бироз оширади, бу уларнинг яллиғланишга қарши таъсирида ижобий омил ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Khakimov, Z., Rakhmanov, A. K., Yakubova, U. B., & Shukurlaev, K. S. (2021). Experimental substantiation of anti-inflammatory activity of a gel containing *Convolvulus arvensis* extract in carrageenan-induced aseptic arthritis.

2. Юсупов, Ш. Р., Ибрагимова, Х. Р., Машарипова, Ш. С., Якубова, У. Б., & Рахимбаев, М. Ш. (2015). Особенности этиологической структуры острых диарейных заболеваний в условиях Южного Приаралья. *Вісник проблем біології і медицини*, (3 (1)), 246-248.

3. Шукурлаев К. Ш., Якубова У. Б., Кутлиева Ф. А. ВЪЮНОК ПОЛЕВОЙ-ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА И ПРИМЕНЕНИЕ В МЕДИЦИНЕ //Образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 18. – №. 4. – С. 88-95.



4. Хакимов, З. З., Рахманов, А. Х., Якубова, У. Б., & Шукурлаев, К. Ш. (2020). Противовоспалительная активность экстракта вьюнка полевого при местном применении. *Журнал теоретической и клинической медицины*, (3), 73-75.

5. Якубова У. Б. и др. ДАЛА ПЕЧАГИ ЭКСТРАКТИНИ САҚЛОВЧИ ГИДРОГЕЛНИНГ АНТИЭКССУДАТИВ ТАЪСИРИ //TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 27. – №. 4. – С. 120-126.

6. Якубова У. Б., Мискинова Ф. Х. антифлогистическая активность и побочные действия некоторых нестероидных противовоспалительных средств //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 35-42.

7. Якубова У. Б. ФАРМАКОЛОГИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ГЕЛЯ СОДЕРЖАЩИЙ ЭКСТРАКТ ВЬЮНКА ПОЛЕВОГО–CONVOLVULUS ARVENSIS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 238-246.

8. Юсупов, Ш. Р., Аскарлова, Р. И., Машарипова, Ш. С., & Якубова, У. Б. (2019). Анализ факторов риска, влияющих на развитие туберкулеза у детей в Хорезмской области. *Наука, техника и образование*, (8 (61)), 66-72.

9. Якубова У. Б. ВЛИЯНИЕ ГИДРОГЕЛЯ ЭКСТРАКТА ВЬЮНКА ПОЛЕВОГО НА ТЕЧЕНИЕ ВОСПАЛЕНИЯ ИНДУЦИРОВАННОГО ФОРМАЛИНОМ //PHARMACOTHERAPY OF PARKINSON'S DISEASE. – С. 654.

10. Хакимов, З. (2021). ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЕЕЛЯ. СОДЕР-ЖАЩЕГО ЭКСТРАКТ CONVOLVULUS ARVENSIS, В ЛЕЧЕНИИ ОЖОЕОВЫХ РАН.

11. Шукурлаев К. Ш., Якубова У. Б. ВЛИЯНИЕ ВЬЮНКА ПОЛЕВОГО–CONVOLVULUS ARVENSIS L НА ТЕЧЕНИЕ АДЪЮВАНТНОГО АРТРИТА У БЕЛЫХ КРЫС ПРИ НАРУЖНОМ ПРИМЕНЕНИИ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 9. – С. 323-330.

12. Якубова У. Б. ДАЛА ПЕЧАГИ ЭКСТРАКТИНИ САҚЛОВЧИ ГИДРОГЕЛНИНГ ТЕРМИК КУЙИШ ЖАРОХАТЛАРИДА РЕГЕНЕРАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ //PEDAGOG. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 159-163.

13. Якубова У. Б., Мискинова Ф. Х. ҚЎЙПЕЧАК ЭКСТРАКТИНИ САҚЛОВЧИ ГЕЛНИНГ СУРУНКАЛИ АРТРИТНИ ДАВОЛАШДА ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ //Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 548-550.